



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI**  
**MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100011, Toshkent sh., Navoiy ko‘chasi, 4, tel.: (998 71) 241-08-95, 241-68-95,  
www.ssv.uz, e-mail: info@ssv.uz, ssv@exat.uz

2023 yil “12”sentabr

21766-son

**Қорақалпоғистон Республикаси**  
**соғлиқни сақлаш вазирлиги,**  
**Тошкент шаҳар соғлиқни**  
**сақлаш Бош бошқармаси,**  
**вилоятлар соғлиқни сақлаш**  
**бошқармалари,**  
**Вазирлик тасарруфидаги тиббиёт**  
**Олий таълим муассасалари**  
**ва илмий ташкилотларга**

**Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт**  
**маркази ҳамда Ўзбекистон кардиологлар Ассоциацияси томонидан**  
**режалаштирилган “Превентив кардиология: бирламчи**  
**профилактикадан - кардиореабилитациягача” мавзусида халқаро**  
**вакиллар иштирокида Республика кардиологларининг илмий-амалий**  
**анжуманини ўтказиш тўғрисида**

**КЎРСАТМА ХАТ**

1. 2023 йилнинг 23-24 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Ўзбекистон кардиологлар Ассоциацияси томонидан **“Превентив кардиология: бирламчи профилактикадан - кардиореабилитациягача”** мавзусида халқаро вакиллар иштирокида Республика илмий-амалий анжумани ўтказилсин.

2. Анжуман иштирокчиларининг ўринлари тақсимоли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази (**Х. Фозилов**), Ўзбекистон кардиологлар Ассоциацияси раиси (**Р. Курбанов**), Илм-фан ва таълим бошқармаси бошлиғи (**Ў. Исмаилов**), Тиббий ёрдамни ташкиллаштириш департаменти бошлиғи (**У. Газиёва**) анжуманга пухта тайёргарлик кўрган ҳолда, белгиланган муддатда юқори илмий ва ташкилий савияда ўтказилиши таъминлансин.

4. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори **Х.Фозилова**:

- анжуманни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби, тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар таркиби тасдиқлансин;

-сертификатларни тайёрлаш ва анжуман қатнашчиларини ўрнатилган тартибда сертификатлар билан таъминлаш амалга оширилсин;

- анжуманни ўтказиш билан боғлиқ барча сарф-харажатлар ҳомийлар ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қоплансин;

- республика кардиологларининг илмий-амалий анжуманини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон Қарори билан тасдиқланган “Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидалари”га мувофиқ ўтказилиши ва анжуман ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳисоботни 3 кун муддат ичида Илм-фан ва таълим бошқармасига тақдим этилиши таъминлансин.

5. Анжуман ишини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи **Ф.Санаева** юклатилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига, тиббиёт олий ўқув юртлири ректорлари, ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлар директорларига иловага мувофиқ анжуман ишида ўз вакилларини қатнашиши таъминлансин.

7. Ушбу кўрсатма хат ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир ўринбосари**



**У. Сабилов**